


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 3.11

2017 йил “2” 06



ТИЛИ ЎРГАНИЛАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100 000	–	Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	110 000	–	Педагогика
	120 000	–	Гуманитар фанлар
Таълим йўналишлари:	5111400	–	Хорижий тил ва адабиёти (испан тили)
	5120100	–	Филология ва тилларни ўқитиш (испан тили)
	5120200	–	Таржима назарияси ва амалиёти (испан тили)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

К.Абдуллаев – ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

Г.Х. Нарбаева –ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

М.Т.Тошхонов – ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Х.М.Рўзиева – ТДШИ, “Ғарбий Европа тиллари” кафедраси ўқитувчиси (турдош ОТМ).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу дастур испан тилини ўргатган талабаларни шу мамлакат халқининг адабиёти ва тарихи, санъати, маданияти билан таништиради. Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти ва тарихи фани талабаларнинг луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишларига, ҳозирги замон испан тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилади. Бундан ташқари, мазкур фан фанлараро алоқаларни амалга ошириш билан бирга испан адабиёти тарихи, халқининг маданияти билан яқиндан таништиради.

Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти фани умумкасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, ўқув режасидаги бошқа назарий ва амалий курслар билан биргаликда испан тили бўйича ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашга йўналтирилган.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фаннинг мақсади - талабаларни испан адабиёти намояндалари ва уларнинг асарлари билан таништириш жараёнида классик намуналарни таҳлил қилиш, улардаги назарий ва амалий билимларини шакллантириш, таълим -тарбиявий ва бадиий- эстетик рни тарбиялашдан иборат.

Фаннинг вазифаси - талабаларни испан адабиёти тарихи билан таништириш, ҳар бир даврдаги адабий муҳитнинг инсонлар ҳаётидаги ўрнини белгилаш, бадиий асарларни ўқиб, таҳлил қилишга ўргатиш ва испан адабиётнинг энг яхши намуналарини белгиловчи омилларни тушунтириш, адабий жараёндаги муштараклик ва миллийликни кўрсатиш билан боғлиқ.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Испан адабиёти фанига кириш

Испан адабиёти фанига кириш. Испан тили ва адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти. Роман, варвар ва арабларнинг Иберияни босиб олиши. Реконкиста. Замонавий испан тили ва адабиётининг дунёдаги ўрни. Ҳозирги босқичга қадар испан адабиёти ҳақида нуқтаи назарлар. Адабиёт жамият кўзгуси сифатида. Адабиёт ҳақида ҳикмат ва афоризмлар.

2-мавзу. Ўрта асрлар даври

Ўрта аср испан адабиётининг хусусиятлари. Ўрта асрлар испан адабиёти жанрлари. Романлаштириш ва христианлаштириш. Адабиётнинг турли хил тилларда ривожланиши ва ўзаро таъсири: кастилия, каталан ва галисия адабиёти. Оғзаки ва ёзма адабиёт. Андалусия ва Испания адабиётининг

шаклланиши. Испан ва ғарб адабиётининг ўзаро таъсири. «Менинг Сидим ҳақидаги кўшиқ» (XII).

3-мавзу. Уйғониш давридан олдинги адабиёт

Уйғониш давридан олдинги адабиётнинг умумий тавсифи. Изабел Кастилья ва Фердинанд Арагоннинг давлатни бирлаштиришда тутган ўрни. Реконкистанинг тугаши. Колонияларнинг босиб олиниши.

Ғарбий Европа адабиётларида Уйғониш даври ҳақида тушунча. Қатор Ғарбий Европа мамлакатлари адабиёт ва санъатида реализмнинг шаклланиши. Уйғониш даври санъатида инсон образи, реализмнинг ўзига хослиги. Испанияда Уйғониш даврининг ўзига хосликлари. Инсонпарварлик фаолияти. Испан адабиётининг ўзига хос томонлари: миллий қадриятлар билан алоқаси. Инсонпарварлик ғояларининг илк босқичларда шаклланиши. Тасвирий санъат муваффақиятлари.

4-мавзу. Романсеро

Романсеро. Романсеро услуби, матн таҳлили. Хорхе Манрике ижоди ва ҳаёти. “Отасининг ўлимига марсия” асари.

5- мавзу. Фернандо де Рохас

Фернандо де Рохас ҳаёти ва ижоди. Калисто ва Мелибей ҳақидаги фожеа-комедиянинг («Селестина») адабий таҳлили. Трагикомедиянинг адабий жанри, структураси.

6- мавзу Олтин давр. XVII аср адабиёти

XVII аср - маданий-тарихий давр. Барокко терминининг мазмуни, эстетик хусусиятлари. Луис де Гонгоранинг ижоди. Шеърининг “ёруғ” ва “қоронғу” услублари. Франсиско де Кеведо-концептизм намоёндаси сифатида. “Туш таъбири” цикли.

7-мавзу. Гарсиласо де ла Вега

Гарсиласо де ла Веганинг ҳаёти, ижоди ва адабий йўналиши. Лотин тилидаги асарлари. Гарсиласо де ла Веганинг Сонетлари таҳлили.

8-мавзу. Тормеслик Ласарильо

Тормеслик Ласарильо ҳаёти ва ижоди. Унинг аноним ва ҳажвий асарлари.

9-мавзу. Сан Хуан де ла Крус

Сан Хуан де ла Крус ижоди ва ҳаёти. Бадий асарлари таҳлили. “Кантико Эспиритуал” асари.

10-мавзу. Мигел де Сервантес Сааведра

Мигел де Сервантес ҳаёти ва ижоди. Дон Кихот ва Санчо Панса образларининг адабий таҳлили, услуби, тузилиши. “Дон Кихот” романи: ғоя ва уни рўёбга чиқариш. Композиция, асосий образлар ва уларнинг ривожланиши. Дон Кихот образининг ижтимоий ва фалсафий мазмуни. “Дон Кихот” янги кўринишдаги роман сифатида. Дон Кихот – “абдий образ”.

“Галатея” пасторал романи. “Нумансиянинг вайрон бўлиши” миллий қахрамонлик трагедияси. “Ҳикматли новеллалар” тўпламида новелла жанрининг ривожланиши. Испан новелласининг ўзига хослиги.

11-мавзу. Франциско де Кеведо

Франциско де Кеведо ҳаёти, ижоди ва асарларининг адабий таҳлили. “Ўлим ва дўзах ҳақида тушлар” асарининг бадий таҳлили. Асардаги ижобий ва салбий образларнинг таҳлили.

12-мавзу. Луис де Гонгора

Луис де Гонгора ижодида маърифатчилик тенденциялари. «Ёлғизлик» асари.

13- мавзу. Тирсо де Молина

Тирсо де Молинанинг ҳаёти ва ижоди. Диний-фалсафий, тарихий ва ишқий пьесалар (“Такводор Марта”). Дон Жуан ҳақидаги афсонанинг биринчи драма кўриниши. Дон Жуан- абдий образ.

14-мавзу. Лопе де Вега

Лопе де Вега ҳаёти, ижоди ва адабий мероси. Лопе де Вега театрининг ўзига хос хусусиятлари. “Қўзибулоқ” асари таҳлили.

15- мавзу. XVIII аср адабиёти

Маърифатчилик – XVIII асрнинг ғоявий, фалсафий ва маданий оқим сифатида. Испания маърифатчилигининг ўзига хос хусусиятлари. Маърифатчи инсон идеали.

16- мавзу. Гаспар Мельчор де Ховельянос

Испан маърифатчилигининг буюк намоёндаси Гаспар Мельчор де Ховельяноснинг ижоди. “Астурия учун жангчи” кўшиғи.

17- мавзу. Леандро Фернандес де Моратин

Леандро Фернандес де Моратин драматургияси. Мольер анъаналарининг ўзлаштирилиши. Испан драмаси анъаналарининг ривожланиши. («Фаришта», «Қизлар «ҳа» деганда» асари мисолида).

18- мавзу Томас де Ириарте

Буюк масалчи Томас де Ириарте ҳаёти ва ижоди. “Айиқ, маймун ва чўчка” асари.

19- мавзу. Романтизм даври

Романтизм прозасининг поэтик хусусиятлари, романтизм тамойиллари, романтик проза поэтикасига хос аллегорияли ҳикоя қилиш усули. Романтик инсон идеали.

20- мавзу. Хосе де Эспронседа

Хосе де Эспронседа – романтик кўзғолон идеалларининг ҳаёт ва шеъриятдаги кўриниши: «Казак қўшиқлари», «Қароқчи қўшиқлари». «Саламанкалик талаба» лирик фалсафий достони.

21- мавзу. Анхель де Сааведра

Анхель де Сааведра ижодида ватанпарварлик ва диний мавзулар. «Дон Альваро ёки танқид кучи» асари.

22-мавзу. Густаво Адольфо Беккер

Густаво Адольфо Беккер ҳаёти ва ижоди. Римас тарихи, адабий, шеърий таҳлили.

23- мавзу. Реализм ва Натурализм.

Бенито Перес Гальдос

Реализм ва натурализм ижодий услубларини таҳлил этиш. Реализм даври адабиётининг ўзига хос жиҳатлари. Реализм ва натурализм услуби ёзувчилари ижоди. Бенито Перес Гальдос танқидий реализмнинг буюк намоёндаси. “Миллий эпизодлар”, “Донья Перфекта” асарлари.

24-мавзу “98- йил авлоди”. Антонио Мачадо

Мачадонинг муҳаббат лирикаси. «Шеърлар», «Қайғули ариялар» тўпламлари. “Ёш Испания” шеъри таҳлили. Фольклор шеъриятининг эпик, лирик ва драматик анъаналари.

25-мавзу. Пио Бароха и Несси, Висенте Бласко Ибаньес

Пио Бароха и Несси, Висенте Бласко Ибаньес ҳаёти ва ижоди. Натуралистик ва реалистик тенденцияларнинг биринчи босқичидаги ривож. “Қон ва қум” асари таҳлили.

26 - мавзу. Эмилия Пардо Басан

Графиня Эмилия Пардо Басан ҳаёти ва ижоди. «Уллоа қадамлари» асари таҳлили.

27-мавзу. Мигель де Унамуно

Унамуно ҳаёти ва ижоди. Унамунонинг фалсафий ва эстетик қарашлари. “Тула хола” асари.

28- мавзу. “27 йил авлоди”.

«27-йил авлоди» намоёндалари — Хорхе Гильвен, Педро Салинас, Гарсиа Лорка, Рафаэл Альберти, Херардо Диего, Эмилио Пардо Басан, Луис Сернуда, Дамасо Алонсо, Хуан Рамон Хименес.

Гарсиа Лорка “Шеърлар китоби”, “Канте Хондо достони”, “Лўли сигирияси достони”, “Солеа”, “Пресиоса ва шамол” асарлари таҳлили. Гарсиа Лорка асарлари таржималари.

29- мавзу. Лотин Америкаси мамлакатлари адабиёти

Лотин Америка мамлакатлари адабиёти. Рубен Дарио, Николас Гильен, Габриель Гарсиа Маркес, Пабло Неруда ҳаёти ва ижоди.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари маъруза мавзуларига боғланган ҳолда, талабаларнинг билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш, ёзувчилар билан таништириш, ғоя, образ, ўртасидаги боғлиқликларни, ғоявий эстетик қадриятларни кўрсата олиш хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилади. Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Испан адабиёти тарихи
2. Менинг Сидим образи ва унинг саргузаштлари.
3. Уйғониш даври адабиёти.
4. Хохе Манрикенинг “Отасининг ўлимига марсия” асарининг испан адабиётига таъсири
5. Калисто, Мелибей ва Селестина образлари таҳлили
6. Луис де Гонгоранинг ижоди, шеърининг “ёруғ” ва “қоронғу” услублари

7. Сонетлар таҳлили.
8. Ласарильо Де Тормеснинг комедиясидаги персонажларнинг психологик маҳорати.
9. Кантико Эспиритуал асари
10. Дон Кихот ва Санчо Панса образларининг адабий таҳлили
11. “Ўлим ва дўзах ҳақида тушлар” асарининг бадиий таҳлили
12. «Ёлғизлик» асаридаги ижобий қаҳрамонлар қиёфаси.
13. “Тақводор Марта” асарининг бадиий кўриниши
14. “Қўзибулоқ” асари таҳлили
15. Маърифатчи инсон идеали ҳақида тушунча
16. “Астурия учун жангчи” кўшиғининг мазмун моҳияти
17. «Қизлар «ҳа» деганда» асаридаги қаҳрамонлар тавсифи
18. “Айиқ, маймун ва чўчка” асаридаги образлар таҳлили.
19. Романтизм давридаги асарларнинг асосий ғояси.
20. «Саламанкалик талаба» лирик фалсафий дoston
21. «Дон Альваро ёки танқид кучи» асарининг ғояси.
22. Римас шеърий таҳлили.
23. Донья Перфекта ижобий образ сифатида
24. “Ёш Испания” шеъри адабий таҳлили
25. “Қон ва кум” асаридаги салбий образлар таҳлили
26. “Уллоа қадамлари” асаридаги ижобий образлар
27. “Дон Кихот ва Санчонинг ҳаёти” асарининг бадиий хусусияти.
28. “Пресиоса ва шамол” асарининг тарихий илдизлари. Пресиоса хоним образининг ижобий ва салбий кўринишлари
29. “Ёлғизликнинг юз йили” асари ғояси.

Семинар машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Испан халқ қаҳрамонлик эпоси
2. Уйғониш даври испан адабиётининг жанр хусусияти
3. Илк ўрта асрлардаги испан адабиёти.
4. Мигель де Сервантес Сааведранинг Европа маданияти тарихида тутган мавқеи.
5. Бенито Перес Гальдоснинг «Донья Перфекта» асари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Фан бўйича курс иши. Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фанга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

1. La vida y obras de Perez Galdos
2. La vida y obras de Antonio Machado
3. La vida y obras de Juan Ramon Jimenez
4. La vida y obras de Lope de Vega
5. El monólogo de Marcela
6. Realismo y naturalismo
7. Poesía contemporánea española e hispanoamericana
8. Lenguaje poético de la poesía de Federico García Lorca y Miguel Hernandez
9. Las formas literarias y períodos de la Edad Media española
10. El análisis literario de la obra “Cantar de mio Cid”
11. Particularidades de la literatura de la Época de Oro
12. Narrativa contemporánea española e hispanoamericana
13. Particularidades del carácter femenino en las obras de Miguel Cervantes
14. El prerrenacimiento en España
15. El análisis literario y lingüístico de la literatura de la época del Renacimiento

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Mar Freire Hermida, Ana María Gonzàles Pino Curso de literatura. Español lengua extranjera. España 2007
2. G. Narbaeva, K. Abdullaev, M. Abdullaev La historia de la literatura española - T. 2017

Қўшимча адабиётлар

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
7. Antología de la literatura española del siglo XX. -Madrid, 2001.
8. Antología comentada de la literatura española. Barcelona 2008
9. Historia de la literatura española. Barcelona 2006

Интернет сайтлари

10. <http://www.rinconcastellano.com/>
11. https://es.wikipedia.org/wiki/Literatura_espa%C3%B1ola
12. <http://www.euskalnet.net/tz/>

